



REDUCING POVERTY IS A PRIORITY VALUE IN THE NEW UZBEKISTAN

Elmurad Abdullaev

Doctor of Philosophy in Philosophy, Ph.D.

Andijan State Pedagogical Institute

Andijan, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: poverty, underprivileged, consumer spending, consumer basket, international poverty, relative poverty, household, family business, small business.

Received: 11.06.23

Accepted: 13.06.23

Published: 15.06.23

Abstract: It is impossible to think about building a new society without analyzing the indicators of poverty. Because people's income is very important during the renewal of society. What are the indicators of poverty in Uzbekistan? Where are the employment processes? This article will focus on such questions.

КАМБАҒАЛЛИКНИ КАМАЙТИРИШ - ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ УСТУВОР ҚАДРИЯТ

Элмурод Абдуллаев

фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори, PhD.

Андижон давлат педагогика институти

Андижон, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: камбағаллик, кам таъминланганлик, истеъмол харажатлари, истеъмол саватчаси, халқаро камбағаллик, нисбий камбағаллик, касаначилик, оиласий тадбиркорлик, кичик бизнес.

Аннотация: Камбағаллик кўрсаткичларини таҳлил қилмасдан туриб, Янги жамият куриш ҳақида бош қотириб бўлмайди. Чунки жамиятни янгиланиш даврида кишиларнинг даромадлари катта аҳамиятга эга. Ўзбекистонда камбағаллик кўрсаткичлари қандай? Иш билан таъминлаш жараёнлари кай ҳолда? Ушбу мақолада ана шундай саволлар ҳақида тўхталиб ўтилади.

СОКРАЩЕНИЕ БЕДНОСТИ – ПРИОРИТЕТНАЯ ЦЕННОСТЬ В НОВОМ УЗБЕКИСТАНЕ

Эльмурад Абдуллаев

Доктор философских наук, PhD.

Андижанский государственный педагогический институт

Андижан, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: бедность, малоимущие, потребительские расходы, потребительская корзина, международная бедность, относительная бедность, домохозяйство, семейный бизнес, малый бизнес.

Аннотация: Невозможно думать о построении нового общества без анализа показателей бедности. Потому что доходы людей очень важны при обновлении общества. Каковы показатели бедности в Узбекистане? Где процессы трудоустройства? Эта статья будет посвящена таким вопросам.

КИРИШ

Бизга маълумки, фаровонлик кўрсаткичларини ўлчашда аҳоли жон бошига тўғри келувчи даромад ҳамда истеъмол харажатларига эътибор қаратилади. Топилаётган даромадларнинг сарфланадиган истеъмол ҳажмига нисбатан ўзгарувчан эканлиги, баъзи бир даромад манбаларини аниқлашнинг мушкуллиги, шунингдек, даромад тўғрисида ёлғон маълумотлар учрашини инобатга олинади.

Шунингдек, камбағалликни аниқлаш мақсадида истеъмол ва даромад ҳақидаги билимларга таяниб, “камбағаллик чегараси”нинг энг юқори даражасини аниқлаш мумкин.

АСОСИЙ ҚИСМ

Камбағаллик – инсоннинг егулик, кийим-кечак, уй-жой, бундан ташқари, билим олиш, соғлиқни сақлаш сингари бирламчи эҳтиёжларига лойиқ имкониятларнинг бўлмаслигидир. Бошқа тадқиқотчилар кишининг танлов имкониятларининг пастлиги сифатида баҳолашади. Яна бир гурӯҳ олимларнинг фикрича, камбағаллик инсоннинг жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар доирасидаги пассив иштироки деб хисоблайдилар. Аслида эса, камбағалликка берилган таърифлар бисёр ҳамда камбағалликни белгилаб берувчи ўзига хос мезонлар мавжуд.

Камбағалликнинг энг кенг тарқалган кўринишлари қуидагилар:

1. Озиқланишга асосланган камбағаллик даражаси. Очлик – қашшоқликнинг кўринишларидан бири бўлиб, бу даражада инсоннинг кунлик истеъмол қиласидан килокалориялари кундалик қувват сарфланишига нисбат қилинади. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқат бўйича бўлими кунлик қувват сарфини ўртacha хисобда 1800 килокаллория этиб белгиланган. Лекин бу меъёр ҳар бир одамнинг ёши, жинси, қасбига қараб ўзгариши мумкин, албатта. Бундан ташқари, “яширин очлик” деб номланувчи моддалар ва оқсиллар каби микроэлементлар етишмовчилиги учун ҳам маълум чегера белгиланади. Шуларга асосланиб камбағалликнинг озиқланишга асосланган умумий даражасини белгилаш мумкин бўлади.

Ўзбекистон Республикасида айнан мазкур даража бўлмаса ҳам, шунга ўхшаш мезон мавжуд. У Халқаро Жаҳон Банки кўрсатмаси билан шакллантирилган ҳамда кам

таъминланганлик кўрсаткичи бўйича кунига 2100 ккалдан ортмайди. Ўзбекистонда кам таъминланганлик учун давлат томонидан 36 турдаги маҳсулот ва хизматлар назарда тутилади.

Куйидаги жадвалдаги маълумотлардан шуни кўриш мумкинки, юртимизда камбағалликни камайтириш борасида олиб борилаётган ислоҳотлар натижасида кам таъминланган аҳолининг сони ва улуши анчайин сезиларли равишда камайиб бормоқда:

3.4-жадвал.

Кам таъминланган аҳоли улуши % да:

| Йиллар | 2001 | 2010 | 2020 |
|-------------------------------------|---------------|---------------|---------------|
| Кам таъминланган аҳоли улуши | 27,5 % | 17,7 % | 11,5 % |

2. Халқаро камбағаллик чегараси – бу халқаро таққослашда фойдаланиладиган усул бўлиб, у кунига ўртача 2 АҚШ долларига тенг деб белгиланади. Кейинги йилларда бу кўрсаткич 1.25 ва 2.5 доллар атрофида айланмоқда. Бугунги кунга келиб жаҳоннинг 15 та давлати мазкур камбағаллик чегарасидан фойдаланади. Шунингдек, даромади пастроқ давлатларда кам таъминланганлик чегараси 3.2 доллар, юқори даромадли давлатлар учун эса 5.5 доллар бўлиши белгилаб қўйилган.

3. Нисбий камбағаллик чегараси. Қашшоқлик мураккаб тушунча. Негаки, қашшоқлик ҳам мутлақ ҳам нисбий тушунча сифатида гавдаланади. Бунда унинг нисбийлиги таққослаш жараёнида кўринади. Яъни инсон ўзининг шароитини бошқа ижтимоий гуруҳдаги шароит билан солишитиради ва моддий жиҳатдан ўз имкониятларини паст деб баҳолаши натижасида қашшоқлигини ҳис эта бошлайди. Ушбу нисбийлик сабабли одамлар ўзлари истиқомат қилаётган жамиятдаги ўртача кўрсатқичларни ўзларининг даромадлари ҳамда харажатларига эътибор қаратишади. Ушбу камбағаллик чераси асосан Евпора давлатларида қўлланилади. Ушбу ҳолатда давлатнинг энг кам истеъмол қилувчи чорак фоиз қисми кам таъминланган сифатида қаралади.

4. Субъектив камбағаллик чегараси. Айтиш лозимки, камбағаллик идрок сифатида ҳам намоён бўлади. Бунда инсонларнинг камбағалликка қайси усул билан ёндашиши эътиборга олинади. Хонадонлардан “Минимал харажатлар деганда нималарни назара тутасиз?” деган сўровнома олиниб, ундаги маълумотлар ҳақиқатда зарур бўлган маҳсулот ва хизматлар билан солиширилади.

Хуллас, инсоннинг амалдаги харажатлари аслида эълон қилинган минимумдан ҳам пастроқ кўриниши камбағаллик хисобланади. Лекин, камбағаллик унга қандай нигоҳ билан қаралишига боғлик.

Юқорида камбағаллик тушунчаси ва у билан боғлик жиҳатлар тавсифланди. Эътироф этиш жоизки, юртимизда камбағалликни қисқартириш бугун давлат сиёсатининг устувор вазифасига айланиб улгурди. Ушбу фикрларни мамлакатимиз раҳбари Ш.Мирзиёев томонидан Олий Мажлис депутатларига йўлланган қуйидаги Мурожаатнома ҳам тасдиқлайди:

“Янги йилда иқтисодий ислоҳотларнинг тиориядаги мақсади камбағалликни қисқартиши ва аҳоли фаровонлигини оширишидан иборат бўлади”.

Мурожаатномада давлатимиз Раҳбари томонидан бу борадаги устувор вазифалар белгилаб берилди. Жумладан:

- 1) аҳолини касбга йўналтирадиган мингдан ортиқ масканлар очилади ва ҳар бир фуқарога бир миллион сўмгача бўлган миқдорда кичик субсидиялар ажратилади;
- 2) аҳоли даромадларини ошириш мақсадида туманларнинг ихтисослашуви асосида ўн сотихдан бир гектаргача экин экиласидаган худудлар берилади;
- 3) бандликка кўмаклашиш жамғармаларига 500 миллиард сўмлик маблағ йўналтириш орқали бандликни таъминлашга эътибор қаратилади;
- 4) вақтинчалик ишсизлик нафақаси оширилади;
- 5) ҳар бир вилоятда камбағалликка қарши курашга қаратилган манзилли дастурлар ишлаб чиқилади;
- 6) аҳолини оилавий тадбиркорликка йўналтириш мақсадида 6 трлн. сўм миқдорида имтиёзли кредитлар ажратилади.

Жумладан, аҳолини ижтимоий химоя қилиш мақсадида қўшимча кичик ва хусусий тадбиркорлик, аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида ПҚ-42-31 қарорига асосан 8 фойзлик 6 ой имтиёзли даври билан 30 миллион сўмгача кредитлар берилмоқда. Шунингдек, кейинги йилларда мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот 2018 йилда 5,1 % га ўси, 2010-18 йиллар оралиғида эса 1,8 баробар кўпайди.

Бундан ташқари, аҳолининг nochor ва кам таъминланган қисми учун мунтазам юритиб борилувчи “Темир дафтар” тизими жорий қилинди. Бу бўйича моддий имконияти чекланган оилаларга кўмак ажратиб бориш вазифаси босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Бугунги бозор иқтисодиёти шароитида Ўзбекистон бандлик масаласига нафақат иқтисодий, балки ижтимоий жараён сифатида қараб, шунга мос фаолият юритмоқда. Сабаби аҳолини иш билан банд қилиш йўли билан фаровонликни ошириш, провардида эса давлатни ривожланган мамлакатлар қаторига киритишнинг муҳим омилларидан биридир. Ўзбекистон Республикасида бандликни таъминлашдаги асосий тамойиллар сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- “мехнат қилиш ва ишни эркин танлаш ҳуқуқини амалга оширишда барча фуқароларга жинси, ёши, ирқи, миллати, тили, ижтимоий келиб чиқиши, мулкий аҳволи ва мансаб мавқеидан, динга муносабати, эътиқодидан, жамоат бирлашмаларига мансублигидан, шунингдек, ходимларнинг ишчанлик жиҳатларига ҳамда улар меҳнатининг натижаларига боғлиқ бўлмаган бошқа ҳолатлардан қатъий назар, teng имкониятлар билан таъминлаш;

- кишиларнинг меҳнат ва тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, уларда меҳнат қилиш ва ҳаёт кечиришда муносиб шароитларни таъминлайдиган унумли ва ижодий меҳнат қобилиятини ривожлантиришга қўмаклашиш;

- меҳнат қилишнинг ихтиёрийлиги;

- иш билан таъминланиш соҳасида ижтимоий кафолатлар бериш ва аҳолини ишсизликдан ҳимоя қилишни таъминлаш;

- ижтимоий ҳимояга ўта мухтоҷ, иш топишда қийналаётган фуқаролар учун мавжуд иш жойларини сақлаб қолаётган ва янги иш жойларини яратаБтган иш берувчиларни рағбатлантириш;

- иш билан таъминлаш соҳасидаги тадбирларни иқтисодий ва ижтимоий сиёсатнинг бошқа йўналишлари билан мувофиқлаштириш;

- аҳолини иш билан таъминлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиши, амалга ошириш ва уларнинг бажарилишини назорат қилишда давлат органлари, касаба уюшмалари, ходимларнинг вакиллик органлари ва иш берувчиларнинг ўзаро ҳамкорлиги;

- аҳолини иш билан таъминлаш муаммоларини ҳал қилишда давлатларапо ҳамкорлик”.

Фуқароларни иш билан банд қилиш сиёсати Ўзбекистон Ҳукумати томонидан амалга оширилаётган ислоҳотларнинг муҳим ва ажралмас қисми сифатида намоён бўлади ва у қўйидаги мақсадларни қўзлаган ҳолда олиб борилади:

- ижтимоий-иктисодий жараёнлардаги ўзгаришлар туфайли ишсиз қолган ишчи-хизматчиларни меҳнат жамоаларига қайтадан тақсимлаш;

- ишсиз аҳоли вакиларини меҳнат жамоаларига тезкорлик билан олиб кириш;

- иш излаётган ҳар бир инсон, ҳар бир фуқарога ишли бўлиши учун қўмак бериш.

Ушбу мақсадларга эришиш учун эса давлат томонидан қўйидаги чора-тадбирлар амалга оширилади:

1. Ишсизликнинг вақтингчалик аҳамиятига эга эканлигини ҳисобга олсак, бюджет, фискалъ ва кредит-пул тизимлари ишга тушурилади. Яъни:

- ишлаб чиқариш кучларини мақсадида инвестиция ва ғамхўрликларни кучайтириш;

- фоизсиз кредитлар, ссудалар ҳажми ва миқдорини ошириш;

- солиқларни камайтириш;

- тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш механизмини халқаро стандартлар даражасига олиб чиқиши.

2. Аҳоли ишсизликнинг яширин қўринишлари қўпайганда:

- аҳоли қайтадан касб-хунарли қилинади (Совет тузумидан мустақилликка ўтиш даврида шундай ҳолат рўй берганди);

- таълим тизими ва босқичларини кучайтиради;

- ваканцияга оид маълумот ва янгиликлардан кенг жамоатчилик боҳабар қилиб борилади;

- меҳнат бозори инфратузилмасини ривожлантиришга қаратилган инвестицияларни кўпайтиради.

Кўйидаги жараёнлар орқали бандлик жараёнига ижобий таъсир этиш мумкин бўлади:

- қонунлар ёрдамида;
- маҳсус молиявий ва иқтисодий йўллар орқали.

Иш билан таъминлашнинг кўплаб йўллари бор. Жумладан:

- иш билан банд бўлмаган ва ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ аҳолини давлат ҳимоясига олиш;
- талаб ва таклифларни ўрганиш;
- аҳолининг иш жараёнидаги талаб ва таклифларини ўрганиш, мувофиқлаштириш ва рағбатлантириш, бу йўлда ахборот, маслаҳат бериш, кам рақобатбардош гурухлари манфаатларини ҳимоя қилиш кабилардир.

Касаначилик, хизмат кўрсатиш, уй меҳнати, қорамол боқиши, оиласиб бизнес инсон иш билан бандлигининг ноанъанавий шакллари бўлиб, бу айни пайтда аҳолини иш билан таъминлашнинг асосий кўринишлари ҳисобланади. Шу боисдан ҳам охирги пайтларда айнан иш билан таъминлашнинг юқоридаги йўлларини тараққий эттиришга жиддий эътибор қаратилмоқда.

Хусусан, одамларни иш билан банд қилиш ва даромадларини ошириш борасида касаначилик соҳаси ривожлантирилмоқда, унинг шакллари кенгайтирилмоқда.

Ишсизлик кўрсаткичи давлат иқтисодиёти даражасининг ортганини ва иқтисодиёт соҳасидаги ўзгаришларнинг асосий факторларидан бири эканлигини кўрсатади. “Ишсизлик даражаси” – бу мамлакатдаги иш билан банд бўлмаган аҳолининг иш билан банд бўлганлар орасидаги улуши ҳисобланади. Бандлик марказлари рўйхатидаги ишсиз аҳолининг меҳнат қилишга лаёқатли аҳоли нисбатига олиб ҳисоблаш мумкин.

3.6-жадвал.

Ишсиз аҳоли кўрсаткичлари бўйича маълумот:

| Йиллар | 2000 | 2007 | 2018 | 2019 | 2020 | 2021 |
|------------------------|------|------|------|------|------|------|
| Ишсизлик даражаси % да | 0,4 | 5 | 9,3 | 9 | 10,5 | 9,6 |

Жадвалдаги ишсизлик кўрсаткичларининг ортишини биринчи навбатда аҳоли сонининг кўпайиши билан изоҳлаш мумкин. Шунингдек, бозор иқтисодиёти шароити, кадрлар ўртасидаги рақобат муҳити ҳам бунинг қўшимча омиллари саналади.

Ишсизлик кўрсаткичларига иш ҳақининг озлиги, ноқулай иш шароитлари, меҳнатга ҳақнинг ўз вақтида тўлаб берилмаслиги, меҳнат жамоаларидағи штатларнинг камайиши кабилар ўзининг салбий таъсирини кўрсатади. Бугунги шароитда ишсизликнинг мавжуд

бўлиши табиий жараён ҳисобланишини деярли барча эксперталар таъкидлашади. Негаки, бунда ишчи кучига бўлган талабнинг таклифга мос келиши асосида бандлик кўрсаткичлари шакллантирилиб, жамиятдаги табиий ҳисобланувчи ишсизлик параметрлари ойдинлаштирилади. Ишсиз аҳолини касб-хунарга йўналтириш, бўш иш жойларини топиш, уларни малакасини ошириш шунингдек, уларга моддий кўмак бериш меҳнат марказларининг камбағалликни камайтириш жараёнига қўшадиган энг асосий ҳиссаси бўлади.

Ўзбекистонда олиб борилаётган давлат сиёсатига қўшиимча равишида Камбағалликни камайтириш ва бартараф этишининг энг муҳим параметрлари сифатида қуйидагиларни таклиф қиласиз:

- аҳолини касб-хунарга йўналтириш тизимини бозор иқтисодиётини инобатга олган ҳолда қайта кўриб чиқиш;
- ёшлар учун олий таълимга ажратилаётган қабул квоталарини аҳоли эҳтиёжларига мос равишида қўпайтириш;
- олий таълимдан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш;
- аҳолига берилаётган субсидия, ижтимоий нафақа ва бошқа молиявий кўмаклар миқдорини ошириш;
- аҳоли, айниқса, болалар саломатлигига эътиборни янада қучайтириш;
- “устоз-шогирд” анъаналарини ривожлантириш механизмини такомиллаштириш;
- ички туризмни янада кенгайтириш;
- касаначилик, ўз-ўзини банд қилиш ва якка тартибдаги тадбиркорликка кенг имкониятлар бериш ва бу борадаги фаолият субъектларига янада қўпроқ эркинлик бериш;
- аҳоли бандлигини таъминловчи органлар ваколатларини кенгайтириш;
- хорижда ўқиши ва стажировка ўташ механизmlарини имкон қадар соддалаштириш.

ХУЛОСА

Юқорида илгари сурилган параметрларнинг мамлакатимизда ўзига хос шакллари мавжуд бўлсада, лекин, шу омилларни тўлиқ амалга ошириш орқали сезиларли даражада камбағалликни камайтиришга ва асосийси, инсон капиталини ривожлантиришга эришиш жараёни жадаллашади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ҳамидов Б. Ўзбекистон Республикаси Президенти администрацияси хузуридаги Иқтисодий тадқиқотлар ва ислоҳотлар маркази. www.aoka.uz/uzb. Мурожаат этилган сана: 15.01.2022.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга мурожаатномаси. 2020 йил, декабрь. www.president.uz. Мурожаат этилган сана: 8.11.2021.

3. “Аҳолини иш билан таъминлаш тӯғрисида”ти Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 1998 йил 1 май, 616-1-сон. www.lex.uz. Мурожаат этилган сана: 9.09.2018.
4. Мамараҳимов Б.Э. Иқтисодиётни модернизациялаш жараёнининг ишчи кучини тақрор ишлаб чиқаришга таъсири. “Иқтисодий ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали, –№ 3. 2020 й. май-июнь. – Б. 170.